

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада туризм соҳасида кенг имкониятга эга худудлардан бири бўлган Самарқанд вилоятида туризмни стратегик ривожлантиришнинг истиқболлари баён этилган. Бунда Самарқанд вилоятининг туризм соҳасидаги таҳлилий маълумотлари, келажакда ривожлантириш истиқболлари ва унга таъсир қилувчи омиллар, вилоятга ички ва хорижий туристларни кенг жалб қилиш мақсадида амалга ошириладиган ишлар борасида батафсил тўхталигани.

**Калит сўзлар:** туризм, туризм инфратузилмаси, туризм салоҳияти, туризмнинг турлари, инновация, стратегия, режалаштириш, маркетинг тадқиқотлари.

**Кириш.** Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, уни янги босқичларга олиб чиқиш, туризм салоҳияти ва имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, соҳани ривожлантиришнинг меъёрий-хуқукий асослари ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 35-моддасида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш белгиланган.<sup>1</sup> Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йилнинг 19 сентябрда ўтказилган “Ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари”га бағишлиланган видеоселекторда “Туризмда топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради, саноатда ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки беради. Шунинг учун, кўп давлатлар сайёҳ жалб қилишнинг янги-янги йўлларини изляяпти” – деб, алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Тарихий обидаларга бой юртимизнинг туристик салоҳияти ва бу салоҳиятдан фойдаланган ҳолда туризм турларини ривожлантириш имкониятлари жуда катта. Ҳозирги вақтда, дунёда туризм соҳасининг бир қанча янги ва замонавий турлари, туристик маршрутлар ва туристик пакетлар пайдо бўлмоқда, бу борада Ўзбекистонда ҳам ушбу ишларни амалга ошириш айни муддао бўлар эди. Бунинг натижасида худудларимизда қўшимча даромад ва иш ўринлари яратилишига, бу эса аҳолининг яшаш даражаси ва сифатининг янада яхшиланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йилнинг 29 марта ўтказилган “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари”га бағишлиланган видеоселектрда Самарқандда янги туризм марказини барпо этилгани, бу эса қўшимча 2 миллион сайёҳ жалб қилиш имконини берганлигини, бу йили юртимизда бутунжаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси йиғилишини ўтказишга катта тайёргарлик қўрилаётганлиги, ўтган йили янги Самарқанд аэропорти “бешинчи осмон” режимида ишлашига ўтгани ҳисобига, хафталик авиақатновлар сони 46 тадан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони Lex.uz

78 тага, йўловчи оқими эса, 6,5 мингдан 10 мингтага кўпайганлигини, лекин салоҳиятимиз бундан 10 карра юқори эканлиги, олдинда қиладиган ишларимиз кўплигини, алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Шу сабабли, Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Туризм соҳасининг умумий асослари X.М.Ал-Смади, М. Бузрукова, Б.Жанзаков, А.Илиев, Д.С.Грама, Л.Д.Давид, А.Эштаевлар асарларида ўз ифодасини топган. Туризм соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган олимлар орасида мавзуга доир М.Пардаев, Т.Сазонов, М.Баталиналарни ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Улар ўз тадқиқотларида туризмнинг назарий асосларининг таҳлилини ушбу ҳодисанинг шаклланиши ва ривожланишининг хорижий тажрибасини ҳамда стратегик ривожлантиришнинг ўзига хос усулларини умумлаштириш асосида амалга оширганлар.

Туризм соҳасини стратегик ривожлантиришда жуда кўплаб илмий ишларнинг мавжудлигига қарамасдан, ушбу йўналиш бўйича илмий мунозаралар ҳали яқунланмаган. Мавжуд илмий тадқиқотлarda замонавий дунёда ушбу ҳодисанинг ўрни ва ролини, ўзига хос хусусиятларини ва чегараларини аниқлаш муаммоларига ҳали етарлича эътибор қаратилмаган.

**Методология.** Тадқиқот жараёнида мантиқий таҳлил, илмий мушоҳада ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Самарқанд вилоятида туризмни стратегик ривожлантириш бўйича бир нечта амалий чора тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади. Стратегик йўл харитаси давлатнинг туризмни ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган концепциясидаги мақсадларга эришишда муҳим стратегиялар ва ҳаракатлар йўналишларини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2019-2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси қулай иқтисодий шароитлар ва зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, туризмни жадал ривожлантиришнинг устувор мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқишига қаратилган. Стратегиянинг ишлаб чиқилиши туризм саноати, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва ҳиссасини ошириш, хизматлар сифатини диверсификация қилиш ва яхшилаш ҳамда туризм инфратузилмасини яхшилашга ҳам хизмат қиласиди<sup>1</sup>.

Давлат, шунингдек, инфратузилмадаги камчиликларни камайтириш билан бирга, туризм салоҳиятини ошириш вазифасини ҳам бажариши лозим бўлади. Ҳар бир сайёҳлик обьектида туризм соҳасида фаолият юритувчи ходимларнинг хизмат сифати бўйича малака ошириш учун қисқа курсларни жорий этиш орқали туризм тажрибасини яхшилашни ташкил этиш муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат хусусий инвестиция киритиш учун имкониятларни кенгайтириш орқали хусусий корхоналарнинг кўпайишини рағбатлантириши мақсадга мувофиқдир. Бунда зиёратчиларнинг саёҳат ҳаракатини қишлоқ йўлларига ва тематик паркларга йўналтириш муҳим ҳисобланади. Туристик корхоналар ўзининг потенциал мижозини билиши ва мос туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишига эътибор қаратиши лозим. Давлат, шунингдек, инфратузилмадаги камчиликларни камайтириш билан бирга, туризм салоҳиятини оширишни ҳам кўриб чиқади.

Ўрта муддатли истиқболда давлат юқори сифат стандартларини таъминлаш орқали ракобатдош устунликларни яратишга эътибор қаратади. Интеграллашган транспорт тизимини ишлаб чиқиш орқали сайёҳлик оқимини оптималь тақсимлаш имконияти пайдо бўлади. Транспорт тармоғининг ривожланиши инновацион туризм маҳсулотларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу тегишли тузилмалар ўртасида самарали идоралараро мувофиқлаштиришни талаб қиласиди. Самарқанд вилояти туризмни ривожлантириш департаменти туризмнинг турларини хусусан, зиёрат ва соғломлаштириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони

туризми каби туризм турларини тарғиб қилиш учун узок муддатли инфратузилмалардан фойдаланишда синергик мувофиқлаштиришга юқори аҳамият бериб келмоқда. Худудда зиёрат ва соғломлаштириш туризмини ривожлантириш бўйича дастурлар, ахборот ва маркетинг ёрдамини ишлаб чиқиш орқали даромадни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу замонавий технологияларни қўллаш орқали туризм фаолият самарадорлиги ва қўлами кенгаяди ҳамда инновацион туризм концепцияларини ишлаб чиқишга катта хисса қўшади.

Узок муддатли истиқболда давлат барқарор туризм экотизимини яратишга интилади. Бунда режада харажатлар тузилмасини оптималлаштириш, заҳарли моддаларнинг ажralиб чиқишини камайтириш ва туризмдан қашшоқликка қарши кураш воситаси сифатида фойдаланиш орқали самарадорликни ошириш кўзда тутилган. Бунга яхши ишбилармонлик меҳмонхоналари, дам олиш масканлари, ноёб диққатга сазовор жойлари, биринчи навбатда, зиёратчиларни ва бошқа сайёхларни жалб қиласиган қишлоқ ландшафти ва ўрмонзорлари бўлган шаҳар мавжудлиги орқали эришилади. Ушбу ривожланиш барқарор туризм экотизимида амалга оширилиши ва барча манфаатдор томонлар учун фойдали бўлиши керак.

Самарқанд вилояти туризм департаменти инклузив, рақобатбардош ва барқарор йўл харитасини яратиш ҳамда минтақавий, миллий ва глобал миқёсда рақобатбардош устунликларни ривожлантириш устида иш олиб боради. Янги стратегия янги глобал тенденциялар билан ҳамнафас бўлади, сайёхлар ва инвесторлар учун энг қулай манзилга айланиш учун ривожланиш ҳамда реклама стратегияларини такомиллаштириш натижаси бўлади дейиш мумкин.


Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш стратегиясининг вазифалари давлат томонидан қўйидагилар асосида танлаб олинди:

1. Давлат туризм ресурсларини баҳолаш.
2. Самарқанд вилояти туризм соҳаси дуч келаётган муаммоларни баҳолаш.
3. Давлат туризмининг келажакдаги имкониятларини баҳолаш.
4. Туризмдаги глобал ва миллий тенденцияларнинг тажрибаси.
5. Минг йиллик ривожланиш мақсадлари ва Барқарор ривожланиш мақсадларидан олинган тажрибалар.

Туризмни ривожлантириш стратегияси мақсадларига эришишда туризм соҳасининг ривожланиши учун Самарқанд вилоятида учта асосий йўналиш: қулай мухит яратиш, янги туризм маҳсулотлари ва асосий инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ бешта стратегия белгиланди. Ушбу ташабbusлар хукumat томонидан амалга ошириш режасининг бир қисми ҳисобланади.

Ушбу стратегияларнинг ҳар бири минтақада туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосини ташкил этади. Айнан шу стратегиялар бошқа минтақаларда туризмни ривожлантириш механизми учун ҳам кўрсатма бўлади.

Ҳар бир стратегиянинг мақсади туризм соҳасида минтақанинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Шу билан бирга, ушбу стратегиялар туризм иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланган дунё мамлакатлари тажрибасини ўз ичига олади. Давлат ушбу соҳада кадрлар захирасини ривожлантиришга интилади. Стратегиялар, шунингдек, кутилаётган ривожланишни қўллаб-куватлаш учун асос сифатида тегишли институционал талаблар ва сиёсалар талабини ҳисобга олади. Энг мухим стратегиялардан бири туризм соҳасининг бюджет тақчилигини бартараф этишга қаратилган бўлиб, бу хусусий маблағларга жуда юқори даражада боғлиқлигини кўрсатади. Стратегиялардан бири туризм лойиҳалари учун минтақадаги инвестиция мухитини яхшилашдир. Танланган стратегиялар бир-бирига шунчалик боғланганки, агар улардан биронтаси бажарилмаса, у ўзи билан бошқа соҳаларини ҳам ортда қолишига ва натижанинг қониқарли бўлмаслигига сабаб бўлади.



### **Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш стратегиялари ва муаммолар<sup>1</sup>**

Туризмда режалаштиришни тўғри ташкил қилиш учун ишончли маълумотлар талаб этилади. Айни пайтда Самарқанд вилоятининг туризм соҳасининг даромадлари манбаи сифатида камхарж зиёратчиларнинг улуши етакчилик қилмоқда. Туризм департаменти юқори маош олувчи сайёҳлар ва янада жозибадор туристик маҳсулотлар ҳамда хизматларга эътибор қаратишга интилади. Ушбу стратегия доирасида давлат учта тамойилга эътибор қаратади:

1. Туризм маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш, бозор ҳакида чуқур билимларни шакллантириш;

2. Инновацион туризмни ривожлантириш;
3. Туристик марказларнинг ривожланиши.

Ушбу стратегия қўйидаги Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) мос келади:  
БРМ камбағаллик ва қашшоқликни йўқ қилиш;

БРМ Диверсификация, технологик янгилаш ва инновациялар, шу жумладан юқори қўшилган қиймат ва қўл меҳнати талаб қиласидаган тармоқларга эътибор қаратиш орқали иқтисодий самарадорликнинг юқори даражаларига эришиш;

<sup>1</sup> Тадқиқот натижасида ушбу механизм муаллиф томонидан такомиллаштирилди.

БРМ барқарор ривожланишнинг туризмга таъсирини мониторинг қилиш учун воситаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу орқали иш ўринларини яратиш ва маҳаллий маданият ҳамда маҳсулотларни тарғиб қилиш;

БРМ Барқарор ривожланиш тамойилларини мамлакат сиёсати ва дастурлариға интеграциялаш ва табиий ресурсларнинг йўқотилишини бартараф этиш.

Туризмни режалаштириш ва ривожлантириш самарали сиёсат ва бошқарувни олиб боришга ёрдам берадиган юқори сифатли, ишончли ва таққосланадиган маълумотларни талаб қиласди. Бироқ, туризм соҳасини ўлчаш иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги ёки ишлаб чиқариш каби бошқа тармоқларига нисбатан бошқача ёндашувни талаб қиласди, яъни мижозларга йўналтирилган ёндашув муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай "Мижозларга йўналтирилган" ёндашув давлатдан истеъмолчилар сегментларини, саёҳат мақсадини, харажатларни, қолиш муддатини, демографик ва бошқа параметрларни ўрганишни талаб қиласди. Статистика органлари қабул қилинган туристларни рўйхатга олиш йўриқномалари асосида маълумотларни тўплаш, саралаш ва таҳлил қилиши юқори сифатли ва ишончли маълумотлар йигилишини таъминлайди.

Самарқанд вилояти 2022 йилда мамлакатимизга келган маҳаллий сайёҳлар сони бўйича иккинчи ўринда, аммо кўплари бир кунлик саёҳатчилар бўлган. Вилоят, шунингдек, республикада ички туризмнинг асосий ҳаракатлантирувчи марказларидан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, худуд жозибадор маҳсулотларни диверсификация қилиш ва юқори даромадли маҳсулотларни яратиш ҳамда илгари суриш учун зиёрат туризмидаги кучли мавқеидан фойдаланиш имкониятига эга.

Туризм ресурсларини ривожлантиришда давлат томонидан минтақада туризм миссиясини амалга ошириш учун 7 та мавзуу белгиланди. Ушбу 7 та мавзунинг ҳар бири 20 та кичик мавзуга бўлинган бўлиб, стратегия ва субстратегияларнинг ҳар бири учун ҳар бир стратегия бўйича мумкин бўлган туристик лойиҳалари рўйхати келтирилган ва лойиҳалар реестри тайёрланган.

1. MICE туризми ва бизнес туризми;
2. агротуризм;
3. экологик туризм;
4. зиёрат туризми;
5. тиббий туризм;
6. тарихий-этнографик туризм.

Давлат инвестиция лойиҳаларини, инвестиция сиёсатини, малакали ишчи кучини, иш ўринларини яратишни, инклузив ўсишни ва ҳоказоларни амалга ошириш учун ўзининг жорий имкониятларини кўп марта кўпайтириши керак бўлади. Кўп тармоқли туризм маҳсулотини ривожлантириш учун давлат "Hub and spoke" усулига амал қилиши керак. Ушбу модел сайёҳларни Самарқандда фойдали вақт ўтказишга ундейди. Минтақадаги энг яхши туристик диққатга сазовор жой бўладиган "Hub" туристик жойларини атрофида бирлаштиради, шунингдек, сайёҳларни узокроқ қолишга ундейдиган тенг даражада жозибали қўшимча йўналишларни аниқлаб, туристик оқим тақсимланади. "Hub"лар инфратузилма талабларининг энг юқори даражасини, қайта алоқа ва бошқа сифатли хизматларни тақдим этади. Ушбу модел инфратузилма талабларини оптималлаштиришнинг тежамкор усули ҳисобланади.

Туристик маршрут деганда камида учта асосий туристик йўналишни ўз ичига олган, бирор шаҳар, қишлоқ ёки шаҳарчада жойлашган йўналиш тушунилади. Бироқ, улар катта масофа билан ажратилмайди. Маршрут аниқ белгиланган кириш ва чиқиш нуқталарига эга бўлиши керак. Кириш жойига кирган турист маршрутда кўрсатилган барча жойларни зиёрат қилишга рағбатлантирилиши керак.

Туристик режани яратишдан мақсад маршрутдаги барча йўналишларга ташриф буюришнинг умумий сонини кўпайтириш ва туристларни барча йўналишларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишини таъминлашдан иборат. Бу туристик обектларнинг деярли барчаси автомобил йўллари билан яхши боғланган бўлиши лозим. Туристлар учун индивидуал турпакетларини ишлаб чиқиш яхши стратегия ҳисобланади. Туризм маркази

100 дан 200 км гача бўлган периферик радиусда туризмни жадал ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Туризм юқори рақобатбардош глобал бозор бўлиб, туризм тажрибасини бошқариш рақобатчи йўналишлар орасида рақобат устунлигини таъминлаш учун қалит ҳисобланади. Туркия, Сингапур ва Бирлашган Араб Амирликлари каби ривожланаётган давлатлар туризмга оид қарашларида “Туристик тажриба”ни асосий стратегиялардан бири сифатида қабул қилганлар. Туристлар йўналишларга ташриф буюрганларида, улар турли хил хизмат кўрсатувчиларнинг хизматларидан фойдаланадилар. Шу сабабли, юқори даражадаги саёҳат тажрибасини сақлаб қолиш учун турист томонидан саёҳатни режалаштиришдан тортиб саёҳатдан кейин туристларнинг фикр-мулоҳазаларини йиғишгacha бўлган вақт давомида узлуксиз тажрибани сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Бунинг муҳимлигини англаған ҳолда, давлат турли стратегик ташаббуслар орқали сайёҳлик тажрибасини бошқаришни такомиллаштириш стратегиясини саёҳатдан олдинги, саёҳат пайтида ва саёҳатдан кейинги босқичларга йўналтириши керак.

Самарқанд вилояти туризм департаменти сайёҳлар учун маълумотлар, юқори аниқликдаги тасвиirlар, тўлдирилган реаллик видеолари, мобил иловалардан фойдаланишни осонлаштириш орқали ва натижада туристларни ҳудудга ташриф буюришга жалб этиш орқали туристик тажрибани яхшилашга эътибор қаратади. Давлат ташкилотлари ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб узлуксиз саёҳат имкониятларини таклиф қилишга интилиши керак. Сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида туристик корхоналар ва ташкилотлар туристларга йўналишни режалаштириш ва рақобатбардош бозор нархларида транспорт турини танлашда фаол ёрдам бериши керак бўлади. Узлуксиз алоқани таъминлаш учун туризм соҳаси ва ундан ташқаридаги турли манфаатдор томонлар билан тўғри стратегик ҳамкорлик туризмнинг минтақадаги ўсишини ошириши мумкин. Белгиланган жой танлангандан сўнг, асосий қадам маршрутни режалаштириш ва транспорт турини танлаш ҳисобланади. Туристлар турли туроператорлар томонидан таклиф қилинадиган рақобатбардош тарифлар ва хизматлардан фойдаланишни хоҳлашади. Шу боис, бир нечта турпакетларни ишлаб чиқиш ва саёҳатлар бўйича туристлар билан қайта алоқа кўмагида турпакетларни такомиллаштириш саёҳатдан олдинги қимматли тааъсуротлар бўлишини таъминлайди.

Давлат туризм соҳасини ривожлантириш учун жадал ўсиш траекториясини қабул қилишга интилмоқда. 2027 йилга бориб Самарқанд вилояти Ўзбекистоннинг энг яхши сайёҳлик йўналишларидан бирига айланиши кутилмоқда<sup>1</sup>. Вилоятда 2027 йилга келиб туризмдан келадиган даромадни қарийб тўққиз баравар ошириш ва қўшимча 1000 иш ўрни яратишни мақсад қилинган. Шунга мувофиқ, давлат томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги туризм сиёсати ишлаб чиқилди. Вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича батафсил ҳаракатлар режасини аниқлайдиган туризм миссияси ўз ишини бошлади. Кўп мақсадли туризмни ривожлантириш учун 100 миллиард сўмлик юздан ортиқ лойиҳалар яқин беш йилда амалга оширилиши кўзда тутилган. Вилоят туризм бошкармаси инвесторлар учун туристик лойиҳага оддийгина мурожаат қилиш учун “Ягона ойна” кўмак хизматини йўлга кўйишини режалаштироқда.

Шу билан бирга, биз миллӣ туризмни глобал миқёсга чиқаришни мақсад қилган “Туризм келажаги” лойиҳасини таклиф этдик. Ушбу лойиҳа иккита қисмдан иборат бўлиб, биринчиси глобал туризмни ривожланиш ҳолатини халқаро туризм ташрифлари, даромадлар, бандлик ва инфратузилма кўрсаткичлари орқали акс еттирган “Глобал дунё” деб номланган, иккинчиси эса Ўзбекистонда соҳанинг ривожланиш муаммолари ва уларнинг потенциал ечимларига бағишланиши сабабли “Ўзбекистон” деб номланган.

“Туризм кележаги” лойиҳаси асосида ҳозирги глобал ҳамда миллӣ туризмнинг илғор тажрибалари, турли тадқиқотларни ўрганиб, минтақанинг ўзига хос хусусиятларини

<sup>1</sup> Safarov, B., Al-Smadi, H.M., Buzrukova, M., Janzakov, B., Ilieş, A., Grama, V., Ilieş, D.C., Csobán Vargáné, K., Dávid, L.D. (2022). Forecasting the Volume of Tourism Services in Uzbekistan. *Sustainability*, 14, 7762.

<https://doi.org/10.3390/su14137762>

инобатга олган ҳолда ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, туризм соҳасининг барқарор ривожланиши учун саккизта ташаббусни таклиф қиласиз. Улар қуидагилардан иборат:

1. Юқори рентабелликка эга, жаҳон бозорига йўналтирилган барқарор туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш;
2. Туристик обьектларда маркетинг, брэндинг ва жаҳон даражасидаги ташриф буюрувчилар тажрибасини тақдим этиш;
3. Мухим туристик йўналишлар атрофида инфратузилмани яратиш ва модернизация қилиш;
4. Инвесторлар учун хусусий капитални бошқариш ва мақсадли йўналтириш бўйича имкониятларни кенгайтириш;
5. Давлатнинг иқтисодий сиёсати ва институционал мақсадларни стратегик мақсадларга мослаштириш;
6. Туризм таълими ва малакасини ривожлантириш дастурини жорий этиш;
7. Туристик бизнесни ташкил этишини рағбатлантириш ва ходимлар малакасини ошириш орқали маҳаллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш;
8. Туристик хизматларни ишлаб чиқиш ва сотища рақамли технология, веб-сайтлар ва мобил иловалар яратиш ва ҳоказо.

Жорий ташаббуслардан ташқари “Туризм келажаги” лойиҳасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг кўп қиррали жиҳатларига эътибор қаратилган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси мақсадларига эришишда Самарқанд вилоятида туризм соҳаси олдида турган саккизта асосий муаммодан келиб чиқадиган саккизта мавзу аниқланди. Бизнинг фикримизча, туризм соҳасини ривожлантириш инклузивлик (барча шахслар, шу жумладан, имконияти чекланган инсонлар учун туризмнинг очиқлиги), рақобатбардошликтин таъминлаш ва барқарор ўсишни рағбатлантириш каби тамойилларга асосланиши керак. Лойиҳанинг асосий мақсади Самарқанд вилоятига ташриф буюрувчи туристларнинг саёҳатдан қониқиши даражасини ва қайтиб келиши эҳтимолини ошириш ҳисобланади.

Лойиҳа соҳа ривожланишининг учта кенг йўналишини белгилайди: инновацион туризм маҳсулотларини яратиш, туристлар ва инвесторлар учун қулай муҳит яратиш ҳамда саккизта ташаббусни қамраб олган ҳолда асосий инфратузилмани ривожлантиришни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган учта стратегик тамойиллар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси мақсадларига эришиш учун давлат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларнинг устувор йўналишларини белгилайди. Стратегик устуворликлар учта истиқболга асосланган: қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли турларига бўлинади.

Қисқа муддатда давлат туризм активларини қайта ташкил этиш устида иш олиб боради. Бунда асосий эътибор сайёхлик лойиҳалари учун энг яхши режаларни ишлаб чиқишга қаратилади. Мамлакатда туризм активлари(тарихий обьектлар, инфратузилма, табиий ўзига хосликлар)нинг сифат ва экологик жиҳатдан яхшиланиши ҳамда туристларнинг ташрифи учун шай ҳолатда туриши асосий мақсад ҳисобланади.

Ўрта муддатли истиқболда давлат юқори сифат стандартларини белгилаш орқали рақобатдош устунликларни яратишга эътибор қаратади. Бу жараёнда туризмни жойларда ривожланишига маъсул ҳисобланган туризм департаменти зиёрат туризми, экотуризм каби соҳаларда туризм маҳсулотларини илгари суриш учун узоқ муддатли инфратузилмадан фойдаланиш режасини тузиб тегишли институтлар билан фаoliyatни мувофиқлаштиради.

Узоқ муддатли истиқболда давлат барқарор туризм экотизимини яратишни мақсад қиласи. Бунда туризмдан қашшоқликка қарши кураш воситаси сифатида фойдаланиш, ҳаражатлар таркибини оптималлаштириш устувор ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, туризм соҳаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламлари бандлигини таъминлайдиган соҳалардан бири бўлганлиги сабабли, айнан унинг ривожланиши мамлакатда ижтимоий муҳитга ижобий таъсир қилиши эҳтимоли юқори ҳисобланади.

**Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантиришнинг стратегик устувор  
йўналишлари<sup>1</sup>**

Қисқа муддатда	Ўрта муддатли истиқболда	Узоқ муддат
Туризм ташаббуслари	Юқори сифат стандартларини белгилаш	Харажатлар структурасини оптималлаштириш
Ишбилиармон саёҳатчилар сонининг кўпайиши	Синергетик мувофиқлаштириш	Туризмдан қашшоқликка қарши кураш воситаси сифатида фойдаланиш
Хусусий сармояларни жалб килиш ва бошқарувни яхшилаш	Зиёрат туризми каби туристик маҳсулотларни илгари суриш	Барқарор туризм экотизимини яратиш

Бугунги кунда, Самарқанд вилоятида Имом Ал-Бухорий мажмуаси ички зиёрат бозорида устунлик қилишда давом этмоқда. Бироқ, ҳали ҳануз ўргача истеъмолчи учун қиммат ҳаво йўллари тармоғи чет эллик меҳмонларни жалб қилиш имкониятини сезиларли даражада камайтириди. Самарқанд халқаро аэропорти бир нечта халқаро йўллар кесишиган ягона аэропорт бўлганига қарамасдан, аэропортда ҳаво ташувчилар сони камлиги сабабли, худуд Тошкент аэропорти шлюзларидан фойдаланишга мажбур бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, Самарқанд шахрига кундузги ташриф буюрувчиларнинг улуши жуда юқори бўлганлигидан келиб чиқиб (90%), уларни бир кечага тунаб қолишга кўндириш ёки туристларда шундай мотивация яратиш, соҳада умумий даромадларни камида 10 фоизга оширишга хизмат қилиши мумкин. Бунинг асосий сабаби одатда туристлар бир кеча ётиб қолганларида ётиб қолмаган экспкурсантларга нисбатан деярли уч баробар кўпроқ харажат қилишади. Шу билан бирга, фикримизча туристик оқимни зиёрат туризмидан ташқари бошқа рекреацион туризм лойиҳаларига йўналтириш кучайиши керак. Масалан, соғломлаштириш жойлари, курортлар, муқобил даволаш усувлари марказлари, медитация ва бошқа тиббий ҳамда дам олиш масканларида ташриф буюрувчилар учун шароитларнинг яхшиланиши юқори даромадли туристлар оқими жалб қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат томонидан Самарқанд вилоятидаги сайёҳлик йўналишларида туризмни янада ривожлантириш ва сармоя жалб этиш учун барча қулагилар билан таъминлаш устувор вазифалардан бирига айланган дейиш мумкин.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-5611 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПК-4095-сонли Қарори.
3. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўқув қўлланма. – Т.:“Иқтисод-молия”, 2008. –Б.133.
4. Сафаров, Б., Ал-Смади, Ҳ.М., Бузрукова, М., Жанзаков, Б., Илиеş, А., Грама, В., Илиеş, Д.С., Ссобаն Варгáné, К., Дáвид, Л.Д. (2022). Форесастинг тҳе Волуме оғ Тоуристм Сервисес ин Узбекистан. Сустайнабилитӣ, 14, 7762. [хттп://doi.org/10.3390/su14137762](https://doi.org/10.3390/su14137762)
5. Эштаев А.А. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва уни ривожлантириш истиқболлари. Монография. Самарқанд: “Ипак йўли” туризм халқаро университети нашриёти 2023.288 бет.
6. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси.
7. CBI Ministry of Foreign affairs. <https://www.cbi.eu> sayti.
8. <http://unwto.org> sayti.

<sup>1</sup> Тадқиқот натижасида ушбу механизм муаллиф томонидан такомиллаштирилди.